



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 17 июль, № 140 (4550)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Авваломбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бугунги меҳнат ғалабага — 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Меҳнаткаш ва омилкор деҳқонларимизнинг ўз пешона тери билан қўлга киритган, барчани ҳайратда қолдирадиган бундай ютуқ ва марралар, уларнинг авваломбор юқори ҳосилдорликка, яъни ўртача 48 центнердан ғалла олишга эришганлари ҳақиқатан ҳам ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга арзийди. Айниқса, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳосилдорлик даражаси 50-60 центнерни ташкил этгани, Оқдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан ва Сарийоё туманларида эса бу кўрсаткич 58-65 центнердан юқори бўлгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Деҳқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз ғаллачилиги тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнгилни мамнуният ва қувонч билан тўлдирди табиий, албатта.

Шулар қаторида мамлакатимизда етиштирилган мўл ҳосил натижасида 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ ғалла деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолгани қишлоқ аҳлининг рўзгорига қўт-барак бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳеч кимга сир эмас, дон, бугдой эл-юртимизни боқадиган, кўнглимизни тўқ, дастурхонимизни тўқин қиладиган азиз ва муқаддас неъмат сифатида ҳаётимизда ҳамisha бекиёс ўрин тугиб келади.

Айниқса, бугунги кунда дунё миқёсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз бераётгани, бугдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат деҳқонларимиз бунёд этган бу ғалла хирмонининг аҳамияти ва моҳиятини яна бир бор ҳар томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк меҳнати-га тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.


Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кўзига тўтиё қилиб яшайди. Нонни муътабар деб қадрлаш, унинг ушогини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган, тарихий хотирамиздан чуқур жой олган, десак, асло муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Асрлар давомида шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолди, иншоолло.

Мана шу ҳаётий ҳақиқатни унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қалби ва онига синдириш, фарзандларимизни ҳам нонга, деҳқоннинг оғир ва шарафли меҳнатига ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Азиз дўстларим, биродарларим! Бу йилги ғалла мавсумини яқунлар эканмиз, мана шундай юксак марра ва бекиёс бойлик ниманинг ҳисобидан, қандай машаққатли ва масъулиятли меҳнат туфайли қўлга киритилганини ўзимизга яққол тасаввур қилиб, эришилган ютуқнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ФАРОВОНЛИК, ТИНЧЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ТИМСОЛИ




Истиқлол бизга ҳамма соҳада, жумладан, деҳқончиликда ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Мамлакатимиз ғаллакорларининг бугунга қадар 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд сара дон ўриб-янчиб олиб, зиммаларидаги шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажарганликлари ҳам бунинг яққол исботидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, республика бўйича ўртача ҳосилдорлик 48 центнерга етди. Ҳосилдорлик Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 50-60 центнердан ошгани деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир. Баъзи илғор фермерлар эса гектар бошидан 75-80 центнердан ошириб сифатли бугдой олдилар.

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



Дил сўзи

Ернинг эгаси ўзинг бўлганидан кейин тинчинг ҳам, уйқунг ҳам қочаркан. Унинг фойдаси-ю, зарари ўзингга-да! Кечани кеча, кундузни кундуз демасдан меҳнат қилиб ҳам бўлмаймиз. Мана, ўтган йили даромадимиздан "Т-40" трактор тиркамаси олдик. Бу йил "МТЗ-80" русумли чопиқ трактори сотиб олишни мўлжаллаб турибмиз. Бунга имкониятимиз етди. Чунки ғалламиз мўл бўлди.

ФЕРМЕРЛИК ШАРОФАТИ


14,5 гектар ерда бугдойнинг "Крошка" навини парваришлаб, гектаридан 58 центнердан ҳосил олдик. Шартномага қўра, шунинг 50 тоннасини давлатга сотдик. Ёнимизга нақд 30 тонна қолди. Кекса деҳқонларнинг айтишича, биз меҳнат қилаётган ердан узок йиллардан бундай баракали хирмон кўтарилмаган экан. Бу Юрт-бошимиз ташаббуси билан 2006 йили ширкат туғатилиб, фермерлик жорий этилганининг шарофатидир!

Қолаверса, биз, фермерлар ҳар қадда давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳис қилиб турдик. Уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари дейсизми, ҳаммаси дала бошига олиб келиб берилди. Мана, натижаси. Ғаллачиликнинг ўзидан 8 миллион сўмдан зиёд даромад кўриб турибмиз. Туманда 1,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги бўлса уларнинг барчаси шартномани ортиги билан бажариб, яна тонналаб бугдойни оморига тўқди. Бу тўқинлик, ободончиликдан нишондир!

Исо ИСЛОМОВ,
Музработ туманидаги «Ақбарали Исоқов» фермер хўжалиги раҳбари.

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Давлатга ғалла сотиш режасини бажарганимиздан кейин ўта ёқимли ҳодиса юз берди. Ҳовлимизга бугдой тўлғазилган ўқ машиналари пайдар-пай кела бошлади. Машиналар тўқайтган дон миқдорини кўриб, очиги, ўзимиз ҳам шовиш қолдик...



сарф-харажатларимизни тўлиқ қоплайди.

Ҳар гектар ердан 100 центнердан ғалла ва 40 центнердан пахта олаётганлигимизнинг тўб сабаблари бор. Аввало, таъминот, хизмат кўрсатиш тармоқлари биз фермерларнинг яқин ҳамкоримизга айланган. Бугунги кунда бирорта фермер ёнилғи, ўғит ва бошқа кимёвий маҳамалар учун маҳкамалар эшиги олдида юзлари саргайгани йўқ. Ҳамма-ҳамма зарур нарсалар далага ўз вақтида етказиб берилаяпти. Қалб кўрингани, пешона терининг далага бағишлау даромад қил, деганлари шу эмасми? Ҳа, Президентимизнинг юксак ғамхўрлиги ва эътибори деҳқон учун қанот бўлаёпти.

Энди сўнги мулоҳазани айтиб ўтай. Бу неъматларнинг бош сабабчиси мана шу кенгликлар эмасми? Ундан доимо миннатдор бўлишимиз керак. Зотан, деҳқон билан ер бир-бирини англаб, бир-бирини суюб яшагани маъқул. Ана шунда деҳқону фермер давлатнинг ҳақиқий таянчига айланади. Ватан юксалади. Халқ турмуши тобора фаровонлашади.

Ройимқул ҲАЙИТҚУЛОВ,
Бойвут туманидаги «Ҳайитқул бобо» фермер хўжалиги раҳбари.

Ҳамкорлик

Тошкентда 12-16 июль кунлари "Кичик бизнес учун Ҳиндистон минитехнологиялари — India minitech — 2008" кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма: МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монголиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси томонидан Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Ҳиндистоннинг эллико яқин компанияси ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

Кўргазмада Ҳиндистон корхоналарида замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган минитехнологиялар ҳамда мевасабзавотни қайта ишлаш, қадқоқлаш, ветеринария, матбаччилик, пайвандлаш, юмё ва ёнилғи соҳаси, қоракўлчилик ва терига ишлов бериш ускуналари, иқтисодийнинг турли соҳаларида ва уй-рўзгор ишларида қўлланиладиган технология ва буюмлар намойиш этилди.

— Кўргазма доирасида ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли кўплаб музокаралар ўтказдик, — деди "Sona Machine Tools" компанияси директорини Гулоб Жаён. — Мамлакатимизда ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган зарур шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар ўзаро алоқа

(Давоми 2-бетда).

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярмида "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" ушумаси тизимидаги корхоналарда 414,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, **134,5** фоиз ўсишга эришилди.

Бу манзилли қурилиш дастурига мувофиқ, инвестиция, шу жумладан, хориж инвестицияси ўзлаштирилиб, модернизация қилиш ишлари изчил амалга ошириляётгани, янги қувватларнинг ишга тушириляётгани самарасидир.

Бир рақам шарҳи

Бухоро шаҳридаги 40-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 64 та оилага мўлжалланган учта тураржой биноси қурилмоқда.

Қутлуғ тўйга тўёна

Президентимизнинг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар асосида қуриляётган мазкур бинолар ўзининг замонавий услуби ва қатор қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Ушбу объект қурилиши учун «Ипотека» банкнинг вилоят бўлими томонидан 2,5 миллиард сўм ажратилди. Еш оилаларга янги уйлар Мустақиллик байрами арафасида топширилиши мўлжалланмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Мижозлардан миннатдор



вий ахволларини яхшилаб оляпти. "Клиникаларимиз айниқса, россиялик мижозларни ўзгача мулозамат билан қўтиб олмақда. Улар бошқа жойдан келатган беморларга нисбатан анча кўп пул беришмоқда" деб ёзади газета.

"Die Welt" газетасининг ёзишича, Германиядаги кўплаб давлош муассасалари чет давлатлардан келатган мижозлар сабаб молия-

Маълумотларга қараганда, немис клиникаларига Россиянинг нефть компанияларида ишлайдиганлар кўпроқ муурожаат қилишаркан.

Афғонистонлик жангарилар Тожикистон ҳудудидаги қишлоққа ҳужум қилди

СА-NEWS нашрининг 2008 йил 16 июль кўни тарқатган хабарига кўра, афғонистонлик жангарилар Тожикистон ҳудудидаги қишлоққа ҳужум қилган ва уни бир неча соатдан буюн эгаллаб турибди. Бу ҳақда нашрга ишонлиқ манбалар хабар берган. Маълум бўлишича, мазкур қишлоқ Тожикистоннинг Хатлон вилоятидаги Шуробод тумани ҳудудида (Ўзбекистон-Тожикистон чегараси яқинида) жойлашган.

Дастлабки маълумотларга кўра, афғонистонлик жангарилар билан Тожикистон Миллий ҳавфсизлик давлат қўмитаси чегара қўшинлари ҳарбийлари ўртасида келиб чиққан отишма натижасида бир нафар тожикистонлик чегарачи ҳалок бўлган. Воқеа жойи томон махсус гуруҳ йўлга чиққан. Бошқа тафсилотлар хуусида ахборот йўқ.

Автомобилсозлар зарар кўрди

Европа автомобиль ассоциациясининг (ЕАА) маълумот беришича, 2008 йилнинг июнь ойида кўп иқтисодиётида наватбатдаги пастга шўнги кузатишган. Бундан, айниқса, автомобиль саноати вакиллари жиддий зарар кўрганлар.

ЕАА маълумотларида келтирилишича, фуқаролар томонидан янги автоуловлар сотиб олиниши мазкур ойда 7,9 фоизга камайган. Бу борада энг паст кўрсаткичлар Италия ва Испанияга тўғри келмоқда.



Маълумки, июль ойида қўтада ёнили-моилаш махсуслотлари нарҳининг кескин ошishi кўп кузатилди. Шу боис аҳоли ўртасида энгил

машиналар сотиб олишга бўлган талаб ҳам камайиб кетди.

Суд жараёни тугади

Сеул шаҳрида Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси собиқ раҳбари Ли Гон Хи устидан суд жараёни бўлиб ўтди.

"Интерфакс" ахборот агентлигининг хабар беришича, судда Ли Гон Хи уч йиллик қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. Бундан ташқари, у 109 миллион доллар миқдорда жарима ҳам тўлайтиди. Ли Гон Хи ўзининг 20 йиллик раҳбарлик даврида катта миқдордаги солиқларни қалбакилаштирилганига маълум бўлди.

Эслайтиб ўтамиз, 66 ёшли Ли Гон Хи жорий йилнинг апрель ойида лавозимидан четлатилган.

Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда

Хорватияда Белград — Загреб йўналиши бўйича қатнаётган автобуслардан бири ёниб кетди.

Маҳаллий ахборот агентликларнинг хабар беришича, фожиа оқибатида икки нафар йўловчи ҳалок бўлди ва сақиз нафари турли даражада тан жароҳати олди. Баъзи манбаларда ҳалокатга машина гилдирагининг теширилгани сабаб бўлганлиги ёзилган. Бошқа маълумотда эса ҳайдовчининг эйтиборсизлиги фожианинг асосий омили сифатида қайд этилган.


Нефть бозорида нима гап?

Нихоят, йирик нефть биржаларида ўтказилган сўнги савдоларда "қора олтин"нинг нарҳи нисбатан арзонлашгани кузатилди.

Биржаларда Американинг "WPI" русумли нефтининг бир баррели (етказиб бериш билан бирга) 138,74, Европанинг "Brent" русумли "қора олтин"и эса 138,75 доллардан сотилган.

"France Presse" ахборот агентлигининг ёзишича, нефтининг бу даражада арзонлашуви сўнги бор 1991 йилги савдоларда кузатилган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Стевия, яъни шакарўтга мутахассислар мўъжизавий ўсимлик, дея таъриф беришади. Бу бежиз эмас. Негаки, ундан тиббиёт, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида қанд ўрнини босувчи қимматбаҳо восита сифатида фойдаланилади. Стевиянинг мана шу жиҳати шўрчилик Ҳикматилло Аллаёровни қизиқтириб қўйган. Бу қизиқиш ушбу субтропик ўсимлигини иқлим шароитимизда мослаштириб етиштиришга ундади. Дастлаб у шакарўтни мўъжизагина томорқасида парваришлай бошлади. Ҳукуматимизнинг бу экинни қўлайтиришга бўлган эътибори унинг имкониятларини кенгайтирди. 3 гектар сугориладиган ер ажратилиб, "Оллоёр Охун" стевия экспериментал фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Соҳа мутахассислари, олимлар яқиндан ёрдам берди.

ШАКАРЎТ — МЎЪЖИЗАВИЙ ЎСИМЛИК

— Стевиянинг асл ватани Парагвай бўлиб, бугунги кунда Англия, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея сингари дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакатда етиштириш йўлга қўйилган, — дейди фермер. — Бугина эмас, ушбу давлатларда стевиядан қанд-шакар, доридармон сифатида кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланаётгани биз, деҳқонларни ишга бўлган муносабатимизни бутунлай ўзгартириб юборди.

Мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра, шакарўтнинг ватанида унинг баргидан 6-7 фоиз стевиазид моддаси олинган бўлса, Сурхон заминида етиштирилган шакарўт баргидан бу 12-12,5 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис фермернинг хом ашёсига хорижда талаб ортиб бормоқда. Россия, Корея, Словакия шулар жумласидандир. Илк бор 2000 йили бир тоннадан ортиқ

маҳсулот Словакияга экспорт қилинди.

Шакарўтга эҳтиёж ортишининг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, фармацевтика ва тиббиёт учун зарур хом ашёдир. Иккинчидан, тенги йўқ қанд манбаидир. Яъни ўсимлик баргидан олинладиган стевиазид талқони шакардан 300 марта, ребауэазид талқони эса 400 марта шириндир. Баҳоши ҳам шунга яраша. Жаҳон бозорида унинг 100 грамм барги 29,7, стевиазид талқонининг 1 грами эса 185 АҚШ долларига пуланади. Чунки қандолатчиликда, мевалар шарбати тайёрлашда қўллаб, ёхуд шакар ўрнида ичилса ҳам шакар учун сарфланаётган маблағ анча иқтисод қилинади. Шунинг учун мамлакатимизда бу ўсимлик етиштиришга алоҳида эътибор берилиб, илгор технологияларни ўрлаштириш ишлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувват-

ланмоқда. Стевия кўп йиллик ўсимлик бўлиб, новдалари 15-20 сантиметр бўлганда ўриб олинса, атрофидан ғўж-ғўж шоҳчалар чиқиб, тез қўпаяди. Бу мўл ҳосил, дегаидир. Шу усулни қўллаб, ҳар гектар майдондан 1-1,5 тонна қуруқ ҳосил олиш мумкин. Энг муҳими, бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бораверади. Чунки ўрилган ҳар тупдан 5-6 тадан новда ўсиб чиқади-да!

— Шакарўт маҳсулотига талаб ортиб бораётганини инобатга олиб, ўсимлик моддасини шу ернинг ўзида ажратиб олишни йўлга қўймоқчимиз, — дейди Ҳикматилло ака. — Шу мақсадда словакиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхона қурмоқчимиз. Бунинг учун ер масаласи ҳал бўлса бас.

Фермернинг экин майдонларини кузатамиз. Фалладан бўшаган май-

донлар шудгор қилиниб, асосий эътибор ғўза парваришига қаратилган. Дикқатимизни тортгани бир қарич ҳам бўл ер қолмабди. Майдон четларига экилган мош, кунгабоқар, қовун-тарвуз ажиб бир манзара кашф этган.

— Бу йил полизчиликка ҳам эътибор қаратдик, — дея гапида давом этди фермер. — Мана, қовунлар пишиди. Буниси "Кўкча", наригиси эса "Оқ қовун". Ҳўжалигимиз аъзолари билан саратон иссиғида чанқовбосди қилиб еяптим. Кўриб турибсиз, ҳосил мўл. Бир қисмини бозорга чиқарамиз. Қўшимча даромад-да. Асосий даромадимиз — пахтадан. Утган йили гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олиб, 72 миллион сўм даромад қўрдик. Бу йил ундан-да кўпроқни мўлжаллаб турибмиз.

Фермернинг шийпонидан 4 та трактор турибди. Булар — деҳқоннинг қўш қаноти. Улар деҳқончилик ортидан, фидокорона меҳнат ортидан келган.

Абди ҚОДИРОВ. 1

Бунёдкор талабалар

Урганч давлат университетига «Бунёдкор — 2008» — меҳнат гуруҳи ташкил этилди.

Жараён Талабаларнинг таътил кунларида ташкил этилган ушбу гуруҳ вилоятда бунёд этилаётган мактаблар, коллеж ва академик лицейлар қурилишида иштирок этадилар. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қурувчи талабаларни махсус кийим-бош билан таъминлади.

Пўлат БЕКМЕТОВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали

нарҳлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2006 йил 19 сентябрдаги 1-7730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган Андижон шаҳри, Б. Маҳмудий кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 397,82 кв.м.дан иборат, таркибида: А, А4-литерларда яшаш уйи, А1-литерда айвон, А2, А3, А5, А6-литерларда бостирма, В-литерда ҳаммом, В-литерда ёрдамчи бино, А-литерда 50,40 п/м бўлган девор қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоши — 44 993 441 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 5 август кўни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

Лицензия DB 001 № 000004.

La confederazione svizzera, per l'anno universitario 2009-2010, offre borse di studio per studenti (uomo o donna) uzbeki post graduati. Le borse sono attribuite prioritariamente a studenti di discipline importanti per lo sviluppo dell'Uzbekistan. Borse per studi d'arte sono escluse.

- I candidati devono corrispondere ai seguenti criteri:
1. Età massima di 35 anni
 2. Diploma universitario con laurea
 3. Buona padronanza orale e scritta della lingua d'insegnamento scelta (italiano, tedesco o francese)
 4. Scopo preciso con piano dettagliato degli studi o della ricerca da effettuare in Svizzera. Al momento della preselezione i candidati dovranno presentare i loro progetti di ricerca.
 5. Seria considerazione delle possibilità d'inserimento professionale in Uzbekistan dopo aver terminato gli studi.

I candidati interessati sono pregati di presentare, per la preselezione, i loro progetti di ricerca per iscritto (3 pagine al massimo, nelle lingue italiano, tedesco o francese) all'Ambasciata Svizzera entro e non oltre il 2 settembre 2008. I progetti potranno essere consegnati direttamente all'Ambasciata Svizzera o essere inviati per posta ad uno degli indirizzi seguenti:

1. Ambasciata Svizzera, via Usmon Nosir, tupik ¼, 100070 Tashkent
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tashkent

Il progetto deve essere accompagnato da una pagina con i dati personali: copia del passaporto, copia del diploma master, indirizzo esatto, numero di telefono, indirizzo e-mail, etc.

Nel corso della settimana dal 10 al 12 settembre i candidati prescelti saranno invitati per un'intervista durante la quale dovranno presentare il loro progetto facendo pure prova delle buone conoscenze della lingua che avranno scelto per gli studi. Solo le persone che avranno passato l'intervista con successo, saranno invitate a riempire il formulario d'iscrizione e a prendere contatto con le università svizzere.

La Confédération Suisse offre des bourses d'un an d'études universitaires 2009-2010 pour les étudiant(e)s ouzbek(e)s post-gradué(e)s. Les bourses sont octroyées en priorité, pour des disciplines qui sont importantes pour le développement de l'Ouzbékistan. Les bourses de formation artistique sont exclues.

Les candidat(e)s doivent répondre aux critères suivants :

1. Limite d'âge est 35 ans
2. Degré universitaire de magistat
3. Bonne maîtrise de la langue d'enseignement, orale et écrite (allemand, français ou italien).
4. But précis et bien argumenté des études ou de la recherche à être effectuées en Suisse. Lors de la pré-sélection les candidat(e)s devront présenter leurs projets de recherche.
5. Prise en considération des possibilités d'insertion professionnelle en Ouzbékistan après la fin d'études.

Les candidat(e)s intéressé(e)s sont prié(e)s de soumettre leurs projets de recherche, par écrit (maximum de 3 pages, en français, allemand ou italien), pour la pré-sélection à l'Ambassade de Suisse jusqu'au 2 septembre 2008 au plus tard. Les projets peuvent être soumis directement à l'Ambassade de Suisse ou envoyés par poste aux adresses suivantes :

1. Ambassade de Suisse, rue Usmon Nosir, tupik ¼, 100070 Tachkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tachkent.

Le projet doit être accompagné de l'information suivante : copie du passeport, copie du diplôme de master, adresse exacte, numéro de téléphone, adresse e-mail.

Dans la semaine du 10 au 12 septembre, les candidat(e)s sélectionné(e)s seront invité(e)s pour l'interview pendant lequel ils/elles devront présenter leurs projets et faire preuve de la bonne connaissance de la langue d'études prévue. Seules les personnes sélectionnées lors de l'interview seront invitées à remplir les formulaires et à contacter les universités suisses.

Die Schweizerische Eidgenossenschaft offeriert für das Studienjahr 2009-2010 für usbekische Studienabgänger/innen Stipendien. Die Stipendien werden prioritär an Kandidaten/innen mit Studienrichtungen abgegeben, welche für die Entwicklung Uzbekistans von Bedeutung sind. Kunststipendien sind ausgeschlossen.

- Die Kandidaten/innen sollten folgende Kriterien erfüllen:
1. Alterslimite 35 Jahre
 2. Universitätsabschluss mit Magister
 3. Gute schriftliche und mündliche Sprachkenntnisse (Deutsch, Französisch oder Italienisch).
 4. Genaues Studienziel sowie detaillierter Forschungs- bzw. Studienplan für die gewünschte Studienrichtung in der Schweiz. Im Verlaufe der Vorselektion müssen die Kandidaten/innen ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt vorstellen.
 5. Gute Wiedereingliederungsmöglichkeiten in den beruflichen Prozess nach der Rückkehr nach Uzbekistan.

Interessierte Kandidaten/innen sind gebeten, ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt für die Vorselektion in schriftlicher Form (Maximum 3 Seiten, in Deutsch, Französisch oder Italienisch) bis zum 2. September 2008 an die Schweizerische Botschaft einzusenden. Die Projekte können entweder direkt bei der Botschaft abgegeben oder können per Post an folgende Adressen geschickt werden:

1. Schweizerische Botschaft, Usmon Nosir Strasse, Tupik ¼, 100070 Taschkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Taschkent.

Der Projektvorschlag muss von einem Schreiben begleitet werden, welches folgende Angaben enthält: Kopie des Passports, Kopie des Masterdiploms, genaue Adresse, Telefonnummer, Emailadresse.

In der Woche vom 10. bis zum 12. September werden die vorselektionierten Kandidaten/innen befragt. Während dieses Interviews muss das Forschungs- bzw. Studienprojekt vorgestellt werden. Es werden dessen Seriosität wie auch die mündlichen Sprachkenntnisse getestet. Nur jene Kandidaten/innen, welche dieses Interview bestehen, werden danach gebeten, die notwendigen Formulare auszufüllen und mit einer entsprechenden Universität in der Schweiz Kontakt aufzunehmen.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Тобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ-М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д-2 (Ор-р — метро «М. Улугбек») Товар сертифицирован. Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

232-10-63

242-хона

Email: xalk_soziga@rambler.ru

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш ускуналари ва технологиялари:

- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ийга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.

«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com

e-mail: info@powerglob.com

ТАШКИЛОТ СОТАДИ

KIA Spectra

19 500 \$

Тўлов нақд пулда. Етказиб бериш муддати — икки ҳафта.

Божхона тўловлари баҳога киритилган.

Т. 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97.

«INTEGRALASIA»

17" мониторли

P4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан сотилади ва кредитлар.

«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., «Фаргона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс 120-30-26.

Товар сертификатланган e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

Спорт • Sport • Спорт

Жиззахда таэквандочилар беллашди

Жиззах Олимпия захиралари коллежида спортнинг таэквандо (ИТФ) тури бўйича республика очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафардан зиёд спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида мезонлар голиб чиқдилар. Жиззахлик ёш спортчилардан К. Камолов, Р. Хайитбоев, Ж. Ра-

медов, Г. Иномжоновлар олтин медаль соҳиблари бўлдилар. Навоий вилояти спортчиларига иккинчи, Тошкент шаҳри ва Фарғоналик таэквандочиларга учинчи ўрин насиб этди.

Бахриддин САТТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олимпиада олдидаги муҳим ғалаба

Пекин Олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритган спортчиларимиз халқро турнирларда ўз маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказмоқдалар.

Жумладан, юртовчимиз, енгил атлетиканинг баландликка сарқаш тури бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзевил Грецияда ўтказилган халқро турнирда муваффақиятли иштирок этди. У мусобақа дастуридида баландликка сарқаш баҳсларида 1 метру 91 сантиметр натижага эришиб, кумуш медаль билан тақдирланди.



Зейтуллаев «Пескара»да ўйнайди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинчиси Илбс Зейтуллаев ҳозирда «Верона» (Италия) клуби таркибиде тўп сураётганидан хабарингиз бор.

«Ювентус» футбол мактабиде маҳоратини оширган Илбс турли вақтларда «Режина», «Кротоне» «Женоа» ва «Виченце» жамоалари шарофтини муносиб ҳимоя қилди. Утган мавсумда ҳамюртимиз «Верона» таркибиде 13 марта майдонга тушди. Uff.uz сайтдан олинган хабарда маълум қилинганча, Илбс эндиги фаолиятини Италия С1 серияси вакили «Пескара» жамоасида давом эттиради.

Астероид теннисчи номига қўйилди

Халқро астрономлар иттифоқи самодиги астероидлардан бирини жаҳоннинг иккинчи рақамли теннисчиси, «Уимблдон – 2008» голиби Рафаэль Надаль номи билан атайдиган бўлди.

«Reuters» агентлиги хабариде айтилишича, дастлаб, Май-Идаль яқинда оролидаги обсерваторияда бўлиб, эндиликда ўз номи билан аталадиган астероидни бориб кўрди. Диаметри тўрт километрни ташкил этадиган мазкур астероид Марс ва Юпитер сайёраси оралигида жойлашган. Астероид бундан беш йил олдин олимлар томонидан кашф этилган эди. **Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ** тайёрлади.

Спорт • Sport • Спорт

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касабда уюшмаси бирлашган кўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби **Аҳмад Почтаевич ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардик билдилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касабда уюшмаси бирлашган кўмитаси ЎзР ФА академиги, тарих фанлари доктори, профессор Абдулаҳад Муҳаммаджоновга рафиқаси **САЙЕРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касабда уюшмаси кўмитаси ва Биология-тупроқшунослик факультети жамоаси зоология кафедраси доценти **Элврано Поллоновна АЗИЗОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таззия изҳор этади.

ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси альгология ва гидробиология лабораторияси кичик илмий ходими Тўтигул Холмуродовага волидан муҳтарамаси **Обод ҲАЙТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касабда уюшмаси кўмитаси жаҳон иқтисодиёти ва халқро иқтисодий муносабатлар кафедраси доценти Гуландом Муҳаммаджоновга онаси **САЙЕРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Абитуриентлар ҳаётдаги ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашмоқда. Талаба деган номга эришиш, замонавий билимлар олиб, малакали кадр, юксак заковатли мутахассис бўлиб өтишиш, албатта, ҳар бир йигит-қизнинг орзуси. Аини пайтда юз миңлаб ёшлар айнан шундай ўй-хаёллар билан яшамоқдалар, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳўш, улар қайси олий ўқув юртига кириб ўқимоқчи? Иштихон куни тушадиган саволларда ўзгаришлар борми? Қайси олий ўқув юртига танлов камроқ бўлади? Бу саволлар фақат ёшларнинг эмас, уларнинг ота-оналарини ҳам қизиқтираётгани, шубҳасиз.

— Олий таълим тизимиде малакали мутахассисларни тайёрлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун махсус Республика комиссияси ташкил этилди. Мазкур комиссия томонидан иқтисодиётнинг турли ҳабдаларида қандай мутахассисга эҳтиёж борлиги, қайси касбларга талаб ортаётганилиги ва улар сон жиҳатдан қанча бўлиши кераклиги аниқлаб чиқилди.

Комиссия турли вазирилик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда ана шу масала бўйича аниқ тақдирларни ишлаб чиқди. Яъни қабул миқдори олий ўқув юртилари битирувчиларининг иштирокчилари бўлган вазириликлар, ташкилотлар иштирокида реал ва истиқболдаги талаба-мувофиқ режалаштирилди.

Мамлакатимиз Президентининг «2008/2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул турғисиде»ги Қарорига мувофиқ, бу йил бакалавриятта 58 миң урин ажратилди. Бу кўрсаткич утган йилгидан 6396 нафар кўп. Шундан 19 945 нафар аби-

сион ва кўкунли материаллар (Тошкент кимё-технологиялари институти ва Урган давлат университети), инкирозага қарши бошқарув (Тошкент давлат иқтисодиёт университети) ва Тошкент молия институти), хўйишунослик ва корейшунослик (Тошкент давлат шарҳшунослик институти) ва бошқа янги йўналишларни келтириб ўтиш мумкин.

— Бу йил тест синовлари қандай ўтказилади? Тест учта эмас, тўртта фан-



минстер, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети, МДУ, Россия иқтисодиёт академиясини санаб ўтиш мумкин. Хуллас, абитуриентлар учун танлаш имконияти жуда кенг.

Мазкур илм даргоҳларидан бирини танлаш, албатта, абитуриентга жуда катта масъулият юқлайди. Чунки йигит ёки қиз танлаётган касбини ҳақиқатан ҳам, севадими? Бу йўналишда ўзини кўрсата оладими? Танлаган соҳасиде ишлаб, жамият-

бормоқда. Абитуриент энг кўп ҳўжат топширадиган олий ўқув юртилари орасиде республикамиз бўйлаб энг машҳурлари Қарши, Андижон ва Термиз давлат университетларидир. Кейинги йилларда ушбу таълим муассасалариде бир ўринга 11 киши тўғри келди.

Утган йилги кўрсаткичларга эътибор берсак, энг кўп абитуриент қабул қилган олий ўқув юрти — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлди. Мазкур университетта 20 миңга яқин йигит-қиз ҳўжат топширди. Бу кўрсаткич тасодиф эмас, албатта. Зеро, истиқбол йилларида Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизда ўқувчилик касбига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис унинг нуфузи ошиб бормоқда.

Энг катта танлов эса ҳўқуқшунослик ва тиббиёт йўналишларида бўлиши кўтилмоқда. Бирок кейинги пайтларда бу йўналишларга ахборот-коммуникация технологияларига боғлиқ янги таълим йўналишлари ҳам қўшилди.

«Халқ сўзи» мухбири **Омоноула ФАЙЗИЕВ** суҳбатлашди.

МУСТАҲКАМ БИЛИМ — ОРЗУЛАР РЎЁБИ

туриент давлат гранти, 38 055 нафари эса шартнома асосиде ўқишга қабул қилинади.

Бундан ташқари, бакалаврият йўналишининг махсус сиртки бўлимларига 5600 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Махсус сиртки бўлимлар асосан таълим ва болалар спортни йўналишлари бўйича ташкил этилади.

Магистратурда эса 5 500 киши тахислини давом эттиради.

— Олий таълим муассасалариде мутахассис тайёрлаш бўйича ўзгаришлар миқдорини айтингиз. Яна қандай йўналишлар бўйича талабалар қабул қилинади?

— Юртимизда жадал ривожланиб бораётган фан-техника соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртиларида кирқа яқин янги таълим йўналишлари очилди. Улар орасиде ноанъанавий ва тикланадиган энергия манбаларини яратиш (ТДТУ ва Фарғона политехника институти), генетика ва биофизика (Ўзбекистон Миллий университети), компози-

дан бўлар экан, деган гап сўзлар юрибди. Шу тўғрими?

— Йўқ, бундай эмас. Тест жараёнилари худди аввалги йиллар-

Абитуриент — 2008

дагидек кўринишда ўтказилади. Иштихонлар учта фандан бир кунда, яъни 1 августда топширилади. Тўғри жавобларни баҳолаш мезонлари ҳам ўзгармади. Ҳар бир фандан 36 та савол.

— «Мен қаерда ўқишим мумкин? Абитуриентларнинг бу саволига қандай жавоб берардингиз?»

— Мамлакатимизда 60 та олий ўқув юрти ва уларнинг жойлардаги 10 та филиали мавжуд. Бир сўз билан айтганда, 70 та олий таълим муассасаси бор. Бундан ташқари, олий ўқув юртиларининг бошқа шаҳарлардаги факультетларини айтиш жоиз. Шулар қатори ҳарбий мутахассислик бўйича олий ўқув юртилари, яна хорижининг нуфузли таълим муассасалари — Вест-



Барча кирувчи алоқа — БЕПУЛ!

«Хўш келибсиз» тарифи

Ўзбекистон бўйича барча чиқувчи алоқа — \$0,02 (1 дақ. учун)
Абонент тўлови — \$0,1 нунига

«Хўш келибсиз» тариф режасига ўтиш учун *111*110# USSD-номанда рақамига кўнғироқ қилиш керак (RED ва TIME абонентларидан ташқари)

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган.

МИР обоев
Ecolmann
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизиде тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
«Минск» шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ ҳўжалик (МТЗ трактори негизиде) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мажлиси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар **Жамшед Тоғоев** ва **Муҳаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.
1-Тижорат материал
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45
Топшириди — 23.00 1 2 3 4 5 6 7 8

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматов.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Муасхасх — Ш. Машраббоев.